

**ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.Tar/F/Fil.14.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ**

**УРАЗОВА РАЪНО ТАШПУЛАТОВНА**

**ЗАРДУШТИЙЛИҚДА МАЪБУДАЛАРНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ**  
**ВА ИЖТИМОЙ-ТАРИХИЙ МОҲИЯТИ**

**07.00.04 – Диншунослик**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2017 йил**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата  
доктора философии (PhD) по историческим наукам**

**Content of Dissertation Abstract of the  
Doctor of Philosophy (PhD) on Historical Sciences**

**Урзова Раъно Ташпулатовна**

Зардуштийликда маъбудаларнинг функциялари ва ижтимоий-  
тарихий моҳияти..... 3

**Урзова Раъно Ташпулатовна**

Функции и социально-историческая сущность божеств  
женского начала в зороастризме..... 23

**Urazova Rano**

Functions and social-historical essences of the woman  
deities in zoroastrizm ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 47

**ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.Tar/F/Fil.14.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ**

**УРАЗОВА РАЪНО ТАШПУЛАТОВНА**

**ЗАРДУШТИЙЛИКДА МАЪБУДАЛАРНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ**  
**ВА ИЖТИМОЙ-ТАРИХИЙ МОҲИЯТИ**

**07.00.04 – Диншунослик**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2017 йил**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Tar81 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент ислом университетида бажарилган.

Диссертация реферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси ([www.tiu.uz](http://www.tiu.uz)) ҳамда «ZiyoNET» Ахборот таълим портали ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) манзилларига жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Исҳоқов Мирсодиқ Мирсултонович</b> тарих фанлари доктори
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Сулаймонов Рустам Ҳамидович</b> тарих фанлари доктори <b>Махмудова Гули Тилабовна</b> фалсафа фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Тошкент давлат педагогика университети</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент ислом университети ҳузуридаги фан доктори илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Tar/F/Fil.14.01 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй, Тел.: (99871)244 96 53, Факс: (99871)244 00 65, e-mail: [tiuxab@mail.ru](mailto:tiuxab@mail.ru))

Диссертация билан Тошкент ислом университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй, Тел.: (99871) 244 00 91.

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.А.Хасанов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Д.А.Рахимджанов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш котиби, т.ф.н., доцент

**С.С.Агзамходжаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Зардуштийлик (Мазда Ясна) дини тарихи жаҳон миқёсида 350 йилдан буён тарихчи, философ, филолог, диншунос олимлар томонидан ўрганиб келинмоқда. Бироқ, уч минг йиллик Авестанинг ишоратли таг маъноларини тўлиқ очиб, бу диннинг асл моҳиятини атрофлича тушунтириб берган сўнгги сўз ҳали-бери айтилганича йўқ. Қолаверса, зардуштийликда маъбудаларнинг функциялари масаласи яхлит муаммо сифатида махсус ўрганилган эмас.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ижтимоий-гуманитар фанлар ривожини учун кенг имкониятлар яратилди. Аждодларимизнинг маънавий оламини, диний дунёқарашларидаги эзгу ғояларни тадқиқ ва тарғиб этишга кенг йўл очилди. Тарихни ёзма манбалар асосида далил ва исботли, холисона ўрганишга қаратилган алоҳида эътибор ўзининг самараларини берди. Ўзбекистоннинг ташаббуси билан 2001 йилда ЮНЕСКО иштирокида Авеста китоби 2700 йиллиги халқаро миқёсда нишонланиши тарихий манбашуносликнинг янги даврини бошлаб берди. Буюк меросимиз Авеста китобини ўрганиш йўлида жиддий қадам қўйилиб, бу қомусий манбанинг қадимий тилдаги матни ҳозирги ўзбек тилига таржималарда эълон қилинди. Шулар билан бир қаторда Авестанинг чуқур илмий талқинини яратиш, ижтимоий-тарихий моҳиятини очиш каби муаммолар ечимини кутмоқда. Зардуштийликда аёл жинсига мансуб маъбудалар туркумининг илоҳиёт тизимидаги ўрнини, уларнинг ҳар бирига тегишли вазифаларни аниқлаш ва бу билан боғлиқ гендер муаммолар ўз тадқиқотини кутаётган долзарб масалалардан бири бўлиб, бу ўз навбатида махсус назарий тадқиқотларни тақозо қилади.

Авеста тадқиқотлари жаҳон миқёсида авесташунослик номини олган илмий соҳага айланган. Америка, Россия, Эрон, Ҳиндистон авесташунослик марказлари мавжуд. Уларда олиб борилаётган тадқиқотлар улкан тажриба ва анъаналарга эга. Ўзбекистонда ҳам бу соҳада фундаментал тадқиқот ишлари жадаллашиб, бир қатор монографик тадқиқотлар юзага келди. Халқаро ва республика илмий анжуманлари ўтказилди. Бироқ, Авестанинг ғоявий асослари, зардуштийлик теологиясининг генезиси, маъбудлар ва маъбудаларнинг функциялари ва ижтимоий-тарихий моҳияти тадқиқи долзарблигича қолмоқда. Бу эса ушбу мавзунини тадқиқ қилиш заруратини белгилайди.

Мазкур диссертация Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 1 мартдаги 115-сонли “Ўзбекистон тарихи музейи ашёлари ҳақида”ги қарори, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сонли “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги:** Диссертация Республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Жамиятнинг маънавий-ахлоқий ва маданий ривожланиши, маънавий кадриятлар, миллий ғоя, маданий мерос, ўзбек халқи ва давлатчилик тарихини ҳамда таълимнинг узвийлик ва узлуксизлиги, баркамол авлод тарбиясини тадқиқ этиш” устивор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Авеста тадқиқотлари тарихшунослиги узоқ ўтмишга бориб тақалади. Авеста тарихшунослигининг бошида Зардуштнинг ўзи турган дейиш мумкин. Авеста матнлари йиғилаётган пайтидаёқ саралаш, тасниф қилиш илк босқич тадқиқот бўлган. Чунки Авеста тили ўша замондەқ дин жамоаси тилига нисбатан ўлик тил эди. Зардушт одамларни Маздага сиғиниш динига ўргатди. Бу тарихий бурилиш инсоният тарихида мисли кўрилмаган маънавий ҳодиса, янгилиниш эди.

Зардуштийлик асл макони Арянам Ваежудан чиқиб, бу диннинг дастлабки ҳомийси Бохтар замин ҳукмдори Виштаспа<sup>1</sup> даврида Бактрияга, сўнгра Қадимий Эронга тарқалган пайтларда манбанинг йўқотилган қисмларини тиклаш бир неча аср давом этган.

Авеста китоби милодий йилларда Сосонийлар Эрони ҳукмдори Хусрав I Ануширвон (531-579) ҳомийлигида қайта тикланган ҳолда 21 наскдан иборат тизимга келтирилган.

Авесташуносликнинг яна бир босқичи IX-XII асрларга тўғри келади. Жумладан, Фирдавсий “Шохнома”<sup>2</sup>да, Абу Райҳон Беруний эса тақвимларни Авеста ғоялари асосида ўрганиб, унга илмий баҳо берган эдилар<sup>3</sup>.

Авеста турли даврлар олимлари томонидан ўрганилган. Жумладан, 1771 йилда француз олими Анкетиль Дюперрон<sup>4</sup>, Б.Ғафуров<sup>5</sup>, С.Н.Соколов<sup>6</sup>, И.М.Стеблин-Каменский<sup>7</sup>, В.И.Абаев<sup>8</sup>, М.Дьяконов<sup>9</sup>, А.О.Маковельский<sup>10</sup>, С.П.Толстов<sup>11</sup>, Е.Э.Бертельс<sup>12</sup>, И.С.Брагинский<sup>13</sup> ва Л.А.Лелеков<sup>14</sup> кабилар зардуштийлик ва унинг манбаи Авестани ўрганишга катта ҳисса қўшганлар.

Ўтган аср мобайнида Эрон олимларидан Иброҳим Пурдовуд, Хошим Ризоий, Жалил Дўстхоҳлар томонидан Авестанинг изоҳли форсий

<sup>1</sup> Кадыров М. Отрывки из Авесты (перевод) // Материалы по истории общественно-философской мысли в Узбекистане. – Т., 1976. – С.75.

<sup>2</sup> Фирдавсий А. Шохнома. К.1 / Форсчадан Ш.Шомухамедов таржимаси. – Т.:Адабиёт ва санъат, 1975. – 736 б.

<sup>3</sup> Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар.Т.1. – Т.:Фан,1968. – 488 б.

<sup>4</sup> Лелеков Л.А. Авеста в современной науке. – М., 1992. – 363 с. Бу китобда авесташунослик бўйича 250 йилдан ортиқ вақт ичида яратилган 4000 га яқин илмий тадқиқот ишлари тарихшунослик нуқтаи назардан таҳлил қилинган.

<sup>5</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. – М.: Наука, 1972. – 664 с.

<sup>6</sup> Соколов С.Н. Духовная культура. Религия. В кн: История таджикского народа.Т.1. – М.:ГРВЛ., 1963. – 596 с.

<sup>7</sup> Авеста. Видевдат. / Перевод И.М. Стеблин-Каменского/. – М.: ГРВЛ, 1994. – 190 с.

<sup>8</sup> Абаев В.И. Скифский быт и реформы Зороастра. – М., 1956. – С.24

<sup>9</sup> Дьяконов М.М. История Мидии. – М., – Л., 1956. – 485 с., Алиев И. История Мидии. – Баку, 1960. – 365 с.

<sup>10</sup> Маковельский А.О. Авеста. – Баку, 1960. – 144 с.

<sup>11</sup> Толстов С.П. Древний Хорезм. – М.: Изд. МГУ., 1948. – 352 с.

<sup>12</sup> Бертельс Е. Э. История персидско-таджикской литературы.–М.,1960.-523 с.

<sup>13</sup> Брагинский И.С. Из истории таджикско-персидской литературы. – М.: ГРВЛ, 1972. – С.114-115.

<sup>14</sup> Лелеков Л.А. Авеста в современной науке. – М., 1992. – 363 с.

таржимаси<sup>15</sup>, икки жилдик авесташунослик тадқиқоти кабилар пайдо бўлди<sup>16</sup>. Лекин, юқорида кўрсатилган асарларда мавзуимизга дахлдор маъбудалар ва уларнинг функциялари махсус тадқиқ қилинмаган.

XX асрнинг сўнги ўн йилликларида Ўзбекистонда ҳам авесташуносликка эътибор кучайди. А.П.Қаюмов<sup>17</sup>, Асқар Маҳкам<sup>18</sup> М.Исҳоқов<sup>19</sup>, М.Эшмуродов<sup>20</sup>, Н.М.Маллаев<sup>21</sup>, А.С.Сагдуллаев<sup>22</sup>, М.Имомназаров<sup>23</sup>, А.Эркаев<sup>24</sup>, Г.Т.Махмудова<sup>25</sup> ва бошқаларнинг асарларида зардуштийлик масалалари кенг ўрганилди. Бунда ҳам маъбудаларнинг ижтимоий-тарихий моҳияти муаммоси айнан қўйилмаган. Жалил Дўстхоҳ бошчилигида нашр этилган Авестанинг форс тилидан ўзбек тилига таржимаси 2001 йилда Асқар Маҳкам томонидан илк бора амалга оширилди. М.Исҳоқов таржимасида Авеста “Яшт” наскининг эълон қилиниши бир қатор илмий изланишлар учун асос бўлди<sup>26</sup>. 2007 йилда “Видевдот” китобининг изоҳли таржимасида ҳам мавзуимизга дахлдор маъбудаларнинг таърифлари учрайди<sup>27</sup>.

М.Имомназаров ва М.Эшмухамедовалар таъкидланганларидек: “Бу даврнинг энг буюк маънавий ютуғи илк бор, гарчи асотир тафаккур билан қоришиқ бир даражада бўлса ҳам, боболаримиз руҳида илм ва имон уйғунлиги шакллана бошлаган...”<sup>28</sup> дейиш мумкин.

Марказий Осиё ва Ўрта Шарқ минтақасида олиб борилган археологик қазишмалар зардуштийлик орқали талқин қилинадиган кўп миқдордаги моддий ёдгорликларнинг илмий талқини масаласида Авестани жалб этмаслик мумкин эмаслигини эътироф этди<sup>29</sup>.

Ўзбекистонда илмий авесташунослик эндигина шаклланиб келмоқда. Унинг диншунослик, фалсафий, филологик, адабиётшунослик каби муҳим ва

<sup>15</sup> ۱۹۹۳ - تهران. حاشیم رضی. اوستا در دو جلد.

<sup>16</sup> ۲-۱۹۹۱ انتشارات مرورید، تهران. - اوستا. کهزترین سرودهای ایرانیان.

<sup>17</sup> Қаюмов А.П. Хурдо Авеста. //А.Қаюмов, М.Исҳоқов, А.Отахўжаев, Қ.Содиқов. Қадимги ёзма ёдгорликлар. – Т.: Ёзувчи, 2000. – Б.4-32.

<sup>18</sup> Авесто: Тарихий-адабий ёдгорлик // Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. – 384 б., 16 б. зарварак.

<sup>19</sup> Авеста алқовлари / М.Исҳоқов тарж. // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1999. – № 1. – Б.70-79; № 2. – Б.63-74; – № 3. – Б.63-72; № 4. – Б.67-72; – № 5. – Б.72- 74; 2000. – № 1. – Б.63-74; – № 2. – Б.72-80; – № 3. – Б.70-76; – № 4. – Б.52-62; – № 6. – Б.62-69. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик /Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001.- 384 б.

<sup>20</sup> Эшмуродов М. Авестада табиат культлари талқини – Т.: ТДПУ нашриёт-матбаа бўлими, 2002. – 97б.

<sup>21</sup> Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т., 1964. – Б.53-72.

<sup>22</sup> Сагдуллаев А.С. Авеста географияси ҳақида // “Авеста” қадимий тарихимиз ва маънавиятимизнинг илк ёзма манбаи. ТДШИ “МОХТ” кафедраси илмий-амалий семинари материаллари. – Т., 2001. – Б.27-28.

<sup>23</sup> Имомназаров М. Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари. – Т.: Шарқ, 1996. – Б.7-21. Яна қаранг: Имомназаров М., Эшмухамедова М. Миллий маънавиятимиз асослари. – Т.: ТИУ, 2001. – Б.118.

<sup>24</sup> Эркаев А. Миллий ғоя ва маънавият. – Т.: Маънавият, 2002. – Б.100-111.

<sup>25</sup> Махмудова Г.Т. Философская сущность Авесты. – Т.: Изд-во журнала “Санъат”, 2010. – 255 с.; Она же. About native land of zoroastrianism and Avesta. USA., Kontinent, 2008. – 93 p. Яна қаранг: Махмудова Г.Т. Историко-философский анализ учения зороастризма (на материалах Авесты). Автореферат дисс. на соискание уч. степени док. филос. наук. – Т., 2012. – 47 с.

<sup>26</sup> Авесто: Яшт китоби / М.Исҳоқов таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. – 126 б. Қаранг: Авеста: “Видевдот” китоби / М.Исҳоқов таржимаси – Т.:ТДШИ нашриёт-босмаҳона бўлими, 2007. – 96 б.

<sup>27</sup> Авеста: “Видевдот” китоби / М.Исҳоқов таржимаси – Т.:ТДШИ нашриёт-босмаҳона бўлими, 2007. – 96 б.

<sup>28</sup> Имомназаров М., Эшмухамедова М. Миллий маънавиятимиз асослари. – Т.: Тошкент ислом университети, 2001. – Б.118.

<sup>29</sup> Асқаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарканд, 1993. – 182 с.

етакчи тармоқлари белгиланмоқда. Бу ҳол соҳанинг ўз ечимини кутаётган муаммоларини ҳал қилувчи тадқиқотлар яратилишига умид боғлаш учун асос бўла олади. Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда Авеста тадқиқотларида ҳали етарли ҳал бўлмаган муаммолар ўз ечимларини кутмоқда<sup>30</sup>.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Тошкент ислом университетининг “Диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий ўрганиш ЮНЕСКО” кафедраси ҳамда Тошкент давлат шарқшунослик институтининг “Марказий Осиё халқлари тарихи” кафедраси тадқиқот режалари билан боғлиқ.

**Тадқиқотнинг мақсади** зардуштийлик диний дунёқараш тизимида маъбудалар функциялари ва ижтимоий-тарихий моҳиятини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Тадқиқот олдида қўйилган муаммонинг тарихшунослигини ўрганиш орқали авесташуносликда маъбудалар тизимини ижтимоий-тарихий ўрганишда эришилган даражани баҳолаш, хусусан, ўзбек авестологиясининг навбатдаги вазифаларини аниқлаш ва истиқболини белгилаш.

Зардуштийлик теологияси ва демонологиясининг дихатомик хусусиятларини, уларнинг ижтимоий-тарихий моҳиятини ўрганиш.

Маъбудаларнинг вазифалари ва ижтимоий ҳаёт амалиётида, ритуал, расм-русумларда тутган ўрнини кўрсатиш. Мавҳум илоҳий образларнинг инсоният манфаатларига ва Ерга “яқинлашуви” жараёнини кузатиш.

Мифологик образлар даврининг зардуштийлик диний қарашлар босқичига кўрсатган таъсирини Зардушт “Гоҳ”лари билан “Кенжа Авеста”даги аёл илоҳий образларни қиёслаш орқали кўрсатиш. Ниҳоят, “Кенжа Авеста”да уларнинг маъбуд ва маъбудаларга “айланиши” диний тасаввурларнинг динамик тараққиётида умумий қонуният эканини кўрсатиш.

Зардуштийликда маъбудаларга юкланган вазифалар жамиятнинг репродуктив фаолиятига, оилавий фаровонликка, соғлом турмуш тарзига, файзу баракага, умуман табиат ва жамият мутаносиблигига қаратилганлигини зардуштийликда аёллар мавқеининг ўзига хос кўрсаткичи сифатида талқин қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** зардуштийлик диний дунёқараш тизимида маъбудалар, уларнинг дин амалиётидаги функциялари, унинг генезиси ва ижтимоий-тарихий асосларидан иборат.

**Тадқиқотнинг предмети** Авеста ва унга боғлиқ зардуштийлик адабиётида акс этган диний тизимда маъбудаларнинг тарихий моҳияти ва ижтимоий функциялари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда зардуштийлик маъбудалари тарихининг таҳлилига функционал ёндошув, тизимли қиёсий таҳлил, фактик материални цивилизациян жараён орқали талқин қилиш усулларидан

---

<sup>30</sup> Уразова Р.Т. Мустақил Ўзбекистонда авесташунослик ва унинг истиқболлари. “Авеста кадрятлари: замонавийлик, дин ва фалсафа”. Халқаро илмий-назарий конференция. Тўплам. – Т., 2013. – Б.45-51.

фойдаланилди. Шунингдек, манба билан асосланган далил ва исботлилик, жаҳон авестологиясининг муҳим ютуқлари ва тажрибаларидан фойдаланишда илмий ва ноилмий қарашларга холисона танқидий қараш тамойилларига амал қилинди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Зардуштийликда ибтидоий мифологик образлар маъбудалар сифатида эътиқод объектларига айланиши ижтимоий-тарихий жараён ҳосиласи экани, маъбудаларга юкланган вазифаларнинг тарихий, ижтимоий, диний-ахлоқий талқинлари ягона ўзаро боғлиқлиги асосланган;

Зардуштийлик дини реал тарихий-ижтимоий муносабатларнинг диний тафаккур орқали қайта ишланиши, расм-русумлар, маросимлар кўринишида талқин қилиниши аниқланган;

Зардуштийликнинг бош худоси якка-ягона Мазда бўлгани ҳолда бошқа маъбудлар (язадлар)га ҳам эътиқод анъанаси сақлангани масаласида янгича талқин этилган. Яъни, Ахура Мазда барча язадларни ўзи яратган, эътиқод улар орқали яратганнинг ўзига қаратилгани асослаб берилган;

Ардви Сура, Аши, Чисти, Даена кабилар мисолида маъбудаларнинг вазифалари зардуштий жамоаларининг кундалик ҳаёти билан, одамларнинг орзу-умидлари билан нақадар яқинлиги кўрсатиб берилиб, зардуштийликни бир ҳовуч олий зодагонларнинг тор диний жамоаларигагина эмас, балки кенг оммага қаратилгани исботланган;

Зардуштийликнинг ижтимоий моҳиятини аниқлашда баъзи маъбудаларнинг функцияларидаги ўхшаш қирралари алоҳида ўрганилиб, зардуштийликка қадар улар турли уруғ ва қабилаларга мансуб бўлгани, кейинчалик этник консолидациялашув давомида функцияларида қоришувлик рўй бергани аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тадқиқотда маъбудаларнинг вазифалари ва ижтимоий ҳаёт амалиётида, ритуал, расм-русумларда тутган ўрни кўрсатилган;

жаҳон динлари тарихида дунёни мифологик қабул қилишдан диний тизимга айлана бориш механизмини Авеста асосида муайян мисоллар орқали исботлаб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижалари ишончлилиги унинг асосий манбаи Авеста китобининг Ўзбекистон, Эрон, Россия ва Европа мамлакатларида амалга оширилган нашрларидан қиёсий фойдаланилгани билан асосланади. 170 дан ортиқ адабиёт ва манбалар танқидий ўрганилиб, авесташуносликда мавзуга доир қарашлар янги босқичга олиб чиқилгани соҳа олимлари томонидан ижобий қабул қилинганки, бу натижаларнинг ишончлилиги деб баҳоланиши мумкин. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро илмий ва илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилгани билан ҳам ўз исботини топди.

**Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти зардуштийлик даври цивилизацион ҳамда мафкуравий

тараққиёт босқичи тарихий жараёнларнинг маънавий инъикоси сифатида Авеста мисолида назарий жихатдан умумлаштирилганлиги билан изоҳланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти Авестадан аниқ фактлар орқали дунё динлари тарихи ҳақидаги назарий қарашларни зардуштийликка хос янги хулосалар билан бойитганлигидадир. Тадқиқотнинг назарий хулосаларидан “Диншунослик”, “Маънавият асослари”, “Манбашунослик” ва “Ўзбекистон тарихи” умумий курслари, “Маданиятшунослик” махсус курслари бўйича маъруза ва семинар машғулотларида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши.** Зардуштийликда маъбудаларнинг функциялари ва ижтимоий-тарихий моҳияти тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар ва амалий таклифлар асосида:

зардуштийликнинг ижобий хислатларга эга маъбуд ва маъбудалари функцияларига кўра ижтимоий асосларга эгаллиги бўйича олинган илмий натижалардан ИДТ-1А-1-92 рақамли «Авестанинг тизимли тадқиқотлари ва зардуштийлик хрестоматиясини тайёрлаш ва нашр этиш» номли илмий лойиҳанинг «Марказий Осиё фалсафий тафаккурида “Авесто”нинг ўрни» номли тўпламида «“Авесто”да аёл жинсига мансуб маъбудаларнинг фуқционал таҳлили» ва «Зардуштийликда илоҳий маъбудалар тизими» мавзусида тадқиқот натижаларидан фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 6 октябрдаги 89-03-2242-сон маълумот-номаси). Авеста асосидаги ушбу тадқиқот натижалари Марказий Осиё ва Ўрта Шарқда қадимий динларни, зардуштийликнинг шаклланиши ва минтақа халқлари маънавиятини янги босқичга кўтариш тарихини илмий асослашга хизмат қилган;

маъбудаларга юклатилган вазифалар, уларнинг ижтимоий ҳаёт амалиётида тутган ўрни ҳақидаги илмий хулосалардан Ўзбекистон тарихи давлат музейининг “Бронза даври”, “Илк темир даври” номли экспозиция бўлимларини шарҳлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2017 йил 10 октябрдаги 3/1255-2017-сон маълумотномаси). Музей экспонатлари қаторидан жой олган тош, сопол, бронзадан ясалган аёл маъбуда ҳайкалларига изоҳлар тузишда фойдаланилган;

тадқиқотнинг Авеста ва зардуштийлик диний тизимидан ўрин олган маъбудалар ва уларга юклатилган вазифалар ва ижтимоий-тарихий моҳиятига бағишланган таҳлилий илмий хулосаларидан Ўзтелерадио компанияси “Маданият ва маърифат” каналида амалга оширилган “Мозийга саёҳат” кўрсатуви сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (“O‘zbekiston” миллий телерадиокомпанияси “Madaniyat va ma’rifat” телеканали давлат унитар корхонасининг 2017 йилдаги 6 октябрдаги 01-16/740-сонли маълумот-номаси). Бунда Ўзбекистонда илк давлатчилик асосларининг вужудга келиши, илк ибтидоий эътиқодлардан диний тизимга ўтилиши жараёнларининг ғоявий асослари ёритилган.

**Тадқиқот натижаларнинг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 2 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича 30 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола (7 та республика ва 2 та хорижий журналда) чоп этилган. 1 та мақола “ZiyoNET” тармоғига жойлаштирилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 147 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазибалари, манбалари, объекти, методлари, ҳимояга олиб чиқилаётган ҳолатлар, илмий янгилиги, тадқиқот фарази, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг жорий қилиниши, хулоса ва натижаларнинг эълон қилинганлиги ҳамда диссертациянинг тузилиши ва ҳажми баён этилган.

Зардуштийлик пайдо бўлган давр, милоддан аввалги II минг йиллик охири ва I минг йилликнинг бошлари, яъни бундан уч минг йилга яқин қадимиятдир. Бу бронза ва темир асри оралиғида, илк ҳудудий воҳа давлатчилиқ уюшмалари даври эди. Ўз замони тақозосига кўра зардуштийлик муайян ижтимоий муносабатларнинг маънавий, ҳуқуқий, ахлоқий-фалсафий асосларини ўзида мужассам этган.

Диссертациянинг биринчи боби *“Авесташуносликда зардуштийлик маъбудалари масаласининг ўрганилиши”* деб номланади.

Маълумки, авесташуносликда маъбуд ва маъбудаларнинг ижтимоий-тарихий, айниқса функционал таҳлили ва талқини масалалари илмий жиҳатдан етарли ўрганилмаган. Мавжуд фикрлар у ёки бу муносабат билан йўлақай изҳор этилган ва тўлиқликка даъво қилмайди. Ушбу боб шу нуқтаи назардан фандаги вазиятни таҳлил қилиш ва умумлаштириб тарихшунослик хулосаларини чиқаришга бағишланган.

*“Зардуштийликда маъбудалар, уларнинг умумий тавсифи, вазибалари таҳлилидаги турли қараишлар”* деб номланган биринчи бандида Авеста китобининг тадрижий-тараққиёт босқичлари очиб берилган ҳамда зардуштийлик ва Авеста билан боғлиқ асарларда маъбудалар ҳақидаги фикрлар қиёсий таҳлил қилинган.

Жумладан, XX аср ўрталарида италян олими Паггиаро Зардуштнинг ислоҳоти ҳақида фикр юритиб, у яратган диннинг тарихийлигини асосли тушунтирган эди<sup>31</sup>. Шундан бир оз аввалроқ Ж.Дюмезиль зардуштийлик ислоҳотларининг тарихийлигини асословчи маҳсус мақола билан чиқди<sup>32</sup>. В.И.Абаевнинг фикрича, зардуштийлик ислоҳот асосида пайдо бўлган дин бўлиб, унда ибтидоий тасаввурлар ўз даври учун муайян табиат, ҳайвонот ва

<sup>31</sup> Paggiaro L. La civiltà della Persia e la riforma religiosa di Zarathustra. – Piza, 1956. – P.110.

<sup>32</sup> Dumezil G. La reforme zoroastrienne. – Paris, 1952. – Pp.61-65.

инсон омилларига эътиқод кўринишлари деб баҳоланди. Уларнинг чин маънода дин бўла олмаслигини тушунган Зардушт, дин амалиётига соф маънавий, руҳий омилларни, улар орқали эса борлиқнинг мавҳум кучлар орқали “бошқарилиши” ғоясини олиб кирди<sup>33</sup>. Ҳинд муаллифи К.Чаттоподхайянинг “Зардуштийлик ислоҳотлари” номли яна бир мақоласи масалани тарихийлик асосида ҳал қилишга жиддий даъват бўлган<sup>34</sup>.

Жумладан, маъбуда Ардви Сура зардуштийлик даврида абстрактлашиб, самовийлашган. У илгари ҳайкал сифатида маросимлар учун жойдан-жойга кўчириб олиб юрилган<sup>35</sup>. Ахура Мазда якка-ягона яратувчи зот деб тан олинган вақтларда Ардви Сурага эътиқод жуда кучли бўлган. Чунки Ардви Сура сув ва ҳаётнинг намликнинг юксак қадрланиши билан боғлиқдир<sup>36</sup>.

Зардуштга илк ваҳий келган ер Хоразм замини экани ҳисобга олинса, зардуштийликнинг илк ватани Ўрта Осиё эканлиги Меҳр Яшт (14-банд) ва “Видевдот”даги мифологик “география” тавсифида берилган<sup>37</sup>.

Авеста китоби мифологик қатламлари эзгулик ва ёвузлик кучлари ўртасидаги қарама-қаршиликнинг албатта эзгулик ғалабаси билан тугаши руҳи билан суғорилган<sup>38</sup>.

Авеста мифологиясида борлиқнинг тузилиши ҳақидаги космогоник тасаввурлар алоҳида диққатга сазовор<sup>39</sup>. Бунда улкан қатлам зардуштийлик дунёқараш тизимининг асослари бўлиб хизмат қилган. Дин амалиёти ҳамда ижтимоий-ахлоқий муносабатлар доирасида улар Авестада акс этган<sup>40</sup>.

Зардуштийлар оловни ўз намозлари учун воситачи қилганлар. Оловнинг осмонга интилган алангаси намоздаги дуо ва илтижоларни худога етказди, деб ҳисобланган. Оловнинг энг олий кўриниши-оташонда ёниб турган муқаддас оловдир<sup>41</sup>.

Авестани Ғарб олимлари одатда фақат форсийзабон халқлар билан боғлаб тушунтирадilar. Аммо зардуштийлик дини Ўрта Осиёда туркийзабон этносларнинг ҳам маънавий мулкидир. Жумладан, ўзбек халқининг тарихий этнографик хусусиятлари, унинг бугунги турмуш тарзи, урф-одатларида ҳамда тафаккурий (ментал) хусусиятларида зардуштийликнинг излари яққол кўриниб турибди. Таъкидлаш лозимки, ўзбек халқининг туркий тиллар оиласига мансублиги Авестага ворисликни асло инкор этмайди<sup>42</sup>. Авеста мифологиясида космогоник борлиқ ҳақидаги тасаввурлар дунёси алоҳида диққатга сазовор<sup>43</sup>.

<sup>33</sup> Абаев В.И. Скифский быт и реформа Зороастра. – М., 1956. – С.24.

<sup>34</sup> Chattopadhyaya K. The religions reform of Zaratushtra // Труды 25-международного конгресса востоковедов. Т. II. – М., 1963. – С.197-201.

<sup>35</sup> Лившиц В. А. Предисловие к книге “Авеста. Избранные гимны / Пер. И.М. Стеблин-Каменского. – Душанбе, 1990. – С.3-5.

<sup>36</sup> Шарқ ва Ғарб: Зардуштийлик ва Авестанинг Ғарб дунёқарашига таъсири // Халқаро илмий-назарий семинар материаллари. – Наманган, 2001. – Б.32.

<sup>37</sup> Толстов С.П. Древний Хорезм. – М.: Изд. МГУ, 1948. – 352 с.

<sup>38</sup> Исхоков М. Зардушт машаққати ва ислом ҳақиқати. / Гулистон, 2003. 1.– Б.29.

<sup>39</sup> Стеблин-Каменский М.И. Миф. – М., 1964. – 190 с.

<sup>40</sup> Жабборов И. Антик маданият ва маънавият хазинаси. – Т.: Шарқ, 1999. – 221 б.

<sup>41</sup> Дорошенко Е.А. Зороастрийцы в Иране. – М.: ГРВЛ., 1982. – С.52-84.

<sup>42</sup> Аширов А. Ўзбек халқининг эътиқод ва маросимлари. – Т., 2007. – 274 б.

<sup>43</sup> Стеблин-Каменский М.И. Миф. – М.:Наука, 1964. – 190 с.

Ф.Шпигелнинг “Зардуштнинг ватани ва яшаган замони ҳақида” номли мақоласи шу йўлдаги жиддий ишларидан бири деб эътироф этиш мумкин <sup>44</sup>.

1894 йилда А.В.Жексон ҳам зардуштийлик, Зардушт ва Авеста - бу уч бирликнинг макони ва даври масаласига бағишланган махсус монографик асарини “Зороастр - қадимги Эрон коҳини” деб номлаган эди <sup>45</sup>. Н.Содерблом эса зардуштийлик ва Зардушт фаолиятига нисбатан ишончсизлик (скептизм) руҳи билан суғорилган қарашларни танқид қилиб чиққан эди <sup>46</sup>.

Тадқиқотда Дж.Лёббок, С.А.Токарев <sup>47</sup>, Л.Фрабениус <sup>48</sup>, М.Бойс <sup>49</sup>, Т.Ахелисларнинг дин тарихига оид илмий таснифлари зардуштийликка қиёсан келтирилган.

Авеста XVIII асрда Европа илм-фан аҳлига яқиндан маълум бўла бошлади. 1756-1763 йилларда Ҳиндистондаги маздопарастлар орасида юриб, уларнинг урф-одати, қадимги тилини ўрганган А.Дюперрон Авеста алфавити ва тилини ўзлаштиради ва 1771 йилда обиданинг француз тилига таржимасини сўз боши, асл матни ва изоҳлари билан эълон қилади <sup>50</sup>.

Немис файласуфи Ф.Нитше ўз қарашлари ва фикрларига хос равишда “Зардушт таваллоси” номли тўрт қисмдан иборат насрий дoston яратди <sup>51</sup>. Бироқ, унинг “аъло одам”и фашистик ғояларга хизмат қилди.

Е.Валентиновнинг “Родина Заратустры” мақоласи ҳам янги далил ва маълумотларга бойлиги билан диққатга молик <sup>52</sup>.

Ўзбекистонда Авеста тадқиқотлари асосан, XX асрда юзага келди. Дастлабки энг муҳим маълумотлар, қисқа бўлсада, “Ўзбекистон халқлари тарихи” китобида берилган эди <sup>53</sup>. Кейинчалик Ўзбекистон тарихи бўйича академик нашрларда йўл-йўлакай Авеста ҳақида фикрлар баён этилган <sup>54</sup>.

Ўзбекистонда муаллиф фикрича, авесташунослик аниқроғи, Авеста ҳақидаги дастлабки мулоҳазалар 50-йилларда пайдо бўлди. Профессор Н.М.Маллаев “X-XII асрлар адабиёти” (1958) номли рисоласида Шарқ халқларининг энг қадимги ёзма ёдгорлиги ҳақида фикр юритиб, Авестанинг Митра ва Анахита ҳақидаги мифларни таҳлил қилган <sup>55</sup>. Ф.К.Сулаймонова зардуштийлик ва у билан боғлиқ мифларнинг юнон маданиятига таъсирини аниқлашга эришди <sup>56</sup>.

1998 йилнинг май ойида Биринчи Президент И.Каримов бир гуруҳ тарихчи олимлар ва ижодий интеллигенция вакиллари билан учрашганда

<sup>44</sup> Spiegel F. Uber das Vaterland und das Zeitalter des Awesta.- Zeitschrift der Doischer Morgenlandischer Gesellschaft, 1881. –№31.– Ss.629-645. (Л.А.Лелековнинг “Авеста в современной науке” китоби бўйича)

<sup>45</sup> Jackson A.V. Zoroaster the Profet of ancient Iran. – N.Y., 1919. – С.314.

<sup>46</sup> Soderblom N. Ad: Jackcon A.V. Zoroaster the Prophet of Ancient Iran. – N., 1894. RHR., 40.1899. – P.227-237.

<sup>47</sup> Токарев С.А. Ранние формы религии. – М.: Политиздат, 1990. – 612 с.

<sup>48</sup> FrabeniusL.Das zeitalter des Sonnendottes. –Berlin,1904.– S.14.

<sup>49</sup> Бойс Мэри. Зороастрийцы. Верования и обычаи. – М.,1985. – С.7.

<sup>50</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси.Т.1: А-Бешбалиқ. – Т.:Давлат илмий нашриёти, 2000. – Б.65.

<sup>51</sup> Нитше Ф. Зардушт таваллоси / Тарж. И. Ғофуров. – Т.: Янги аср авлоди, 2007. – 348 б.

<sup>52</sup> Валентинов Е. Родина Заратустры. // Поиск. – №7. – М., 1990. – С. 17-21.

<sup>53</sup> Истори народов Узбекистана. Т. 2. – Т.: Изд. АН УзССР, 1947. – 512 с.

<sup>54</sup> Ўзбекистон тарихи. Т I. – Т.: Фан, 1967.

<sup>55</sup> Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1976. – Б.41-48.

<sup>56</sup> Сулаймонова Ф.К. Шарқ ва Ғарб. – Т.,1991. – Б. 20-21.

Авеста китоби ҳақида алоҳида тўхталиб ўтган эди<sup>57</sup>. Бу ҳодиса Ўзбекистонда авесташуносликка жиддий тўртки бўлди<sup>58</sup>. 2000 йил 29 мартда Вазирлар Маҳкамасининг “Авесто” яратилганининг 2700 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги 110-сонли қарори қабул қилинди<sup>59</sup>. 2001 йил ноябрь ойида ЮНЕСКО иштирокида Авестага бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди<sup>60</sup>.

Адабиётшунос Ҳ.Ҳомидийнинг ҳам Авеста ҳақидаги маълумотларни кенг оммага етказишдаги хизматлари эътиборга моликдир<sup>61</sup>.

Ўзбекистонда зардуштийлик ва Авеста ҳақида яратилган яна бир мақола Муҳсин Умарзода қаламига мансуб<sup>62</sup>. Махсус Авеста калималари луғатининг нашр этилиши манба матнларини яхшироқ тушунишга ёрдам берди<sup>63</sup>.

Академик А.П.Қаюмов авесташунослик бўйича бир қатор мақолалар яратган. Улар аниқ маълумотларга бойлиги, ҳажми жиҳатдан ихчамлиги ва ифодаларининг аниқ ҳамда тушунарлилиги билан ажралиб туради<sup>64</sup>. 2001 йилда Авестанинг 2700 йиллиги юбилейи арафасида Асқар Маҳкам таржимасида “Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик” китоби ҳамда М.Исҳоқов таржимасида “Авесто. Яшт китоби” каби нашрлар юзага чиққани муҳим маданий-тарихий ҳодисага айланди<sup>65</sup>.

Авестанинг диний, фалсафий дунёқараш тизими сифатидаги моҳиятини кўрсатишга қаратилган тадқиқотлардан М.Исҳоқовнинг 2003 йилда чоп этилган мақоласини ҳам кўрсатиш мумкин<sup>66</sup>.

Ўзбек авесташунослигида 2007 йилда чоп этилган “Авеста: Видевдот китоби”нинг изоҳли илмий таржимаси ҳам бир муҳим воқеа бўлди. Бу таржима ифода раволиги, услуб жиҳатдан соддалиги билан аҳамиятлидир<sup>67</sup>. Авеста ва ўзбек халқи урф-одатларида зардуштийлик реликтлари А.Ашировнинг “Ўзбек халқининг қадимги эътиқод ва маросимлари” номли монографиясида акс этган<sup>68</sup>.

Ушбу бобнинг “*Зардуштийлик амешаспенталари ва язадларининг генезиси, жинсларга ажратилиши ва функциялари*” деб номланган иккинчи бандида Аҳура Мазданинг иродасини ифодаловчи ўлмас, ҳамиша барҳаёт малоикалар, яъни олтита-амешаспенталар (эманациялар) мавжуд деган инонч зардуштийлик эътиқодининг асосий ғояларидан бири, - дея таъкидланади.

<sup>57</sup> Каримов И.А. Без исторические памяти нет будущего. – Т.: Узбекистан, 1998.

<sup>58</sup> Уразова Р.Т. Мустақил Ўзбекистонда Авесташунослик ва унинг истиқболлари. “Авеста кадрятлари: замонавийлик, дин ва фалсафа”. Халқаро илмий-назарий конференция. Тўплам. – Тошкент, 2013. – Б. 45-51.

<sup>59</sup> www. fikr.uz.

<sup>60</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси: Т.1: А-Бешбалик. – Т.: Давлат илмий нашриёти, 2000. – Б.65.

<sup>61</sup> Келтирилган тадқиқотлар кейинроқ Ҳ.Ҳомидийнинг “Авеста файзлари” ( – Т., 2001. – 96 б ), ҳамда “Авестодан Шоҳномага” ( – Т., 2007. – 320 б.) китобларига киритилган.

<sup>62</sup> Умарзода М. Овесто сирлари. // Жаҳон адабиёти. – Т., 1997. – №4. – Б.202.

<sup>63</sup> لغات کایما ت اوستا. تهران. بنیاد نشایور ۱۹۹۹.

<sup>64</sup> Қаюмов А., Исҳоқов М. ва б. Қадимий ёзма ёдгорликлар. – Т.: Ёзувчи, 2000. – Б. 4-32.

<sup>65</sup> Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. / Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001; Авесто: Яшт китоби. / М.Исҳоқов таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001.

<sup>66</sup> Исҳоқов М. Зардушт машаққати ва ислом ҳақиқати // Гулистон, 2003. – №1, – Б.28.

<sup>67</sup> Авеста: Видевдот китоби. / М.Исҳоқов таржимаси. – Т.: ТДШИ нашриёт-босмаҳона бўлими, 2007. – 96 б.

<sup>68</sup> Аширов А. Ўзбек халқининг эътиқод ва маросимлари. – Т.: Алишер Навоий номли Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – 274 б.

Зардуштийликнинг илк босқичдаги моҳияти ибтидоий “жоҳилия” даврларидаги табиат кучларига сиғинишни бартараф этишдан иборат бўлган<sup>69</sup>. Зеро, Ахура Мазда ўзида бутун яралмиш дунёни мужассам этгани ҳолда, ҳар бир хилқатда унинг ўзи мавжуд, дея эълон қилди<sup>70</sup>.

Таҳлил натижасида шундай хулосага келинди-ки, малоикаларнинг ҳар бири ўзига хос вазифаларни бажаради. Биринчи уч малоикага Ахура Мазданинг оталик вазифалари юклатилган бўлса, иккинчи учликка онадошлик вазифалари юклатилган<sup>71</sup>. “Кенжа Авеста”да уч нафар малоика - амешаспенталар (Спента Армаитий, Хаурватат, Амэретот) иштирок этадилар. Улар зардуштийликнинг она худолари ҳисобланган. Жумладан, Спента Армаитий Ахура Мазданинг қизи, сувлар маъбудаси Ардвисура Анаҳита унинг қизи ва кўплаб яхшилик илоҳалари унинг дўсти<sup>72</sup> ва ҳоказо.

Ушбу бобнинг учинчи банди *“Авеста маъбудаларининг насклараро функционал тақсимланиши тамойиллари ҳақидаги илмий фикрлар”* деб номланади. Авестага мифологик тафаккур босқичларининг қадимий қатламларидан кўплаб ибтидоий тасаввурлар ва инонч шакллари кириб келган. Олий инстант Ахура Маздадан бошлаб унинг эманацияларигача ижтимоий-тарихий жараёнларнинг кишилар онгидаги самовий тимсоллари даражасига кўтарилган. Масалан, Ахура Маздага оталик, Спента Армаитийга оналик мақоми берилиб, уларга А’тар (Оташ)ни “ўғил”, Ашини “қиз” қилиб “расмийлаштирилиши” мазкур ижтимоий моделнинг илоҳий тизимга кўчирилиши эди<sup>73</sup>. “Кенжа Авеста” даврида “Яшт”ларга олиб кирилган маъбуд ва маъбудалар ўртасидаги вазифаларнинг айрим ўхшашликларини функционал аналогия ҳолатлари сифатида махсус тадқиқ этилмаган. Тақдим қилинаётган бандда маъбудаларнинг Яштларда улуғланиши зардуштийлик жамиятида аёлларга муносабат масаласи алоҳида эъзозли бўлгани билан изоҳланди. Зардуштийликнинг “Кенжа Авеста” босқичидаги маъбудалар тизимини “Гоҳ”лардаги монотеизмдан фарқли экани алоҳида таъкидланади. Бу борада биз М.Мюллернинг зардуштийликка “политеизм ва монотеизм ўртасидаги “генотеизм” босқичи” деб берган баҳосини маъқул деб билдик. Бироқ, зардуштийлар буни кўпхудолик деб эмас, балки Ахура Мазданинг турли кўринишлари деб тушунишган<sup>74</sup>.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Авестада маъбудалар, уларнинг ижтимоий-тарихий моҳияти”** деб номланган. Бу бобда зардуштийлик динининг эзгулик ғоясига йўналтирилганлиги, “одам ва олам, инсон ва жамият, улар ўртасидаги муносабатларнинг жамулжам ифодаси”ни маъбуд ва маъбудаларнинг ижобий туркуми орқали намоён этилгани очиб берилган.

<sup>69</sup> Абаев В.И. Религиозная реформа Зороастра. – М., 1956. – С.143.

<sup>70</sup> Мифологический словарь. – М.: Наука, 1990. – С.35.

<sup>71</sup> Прабхаананда Свами. Гаты Заратустры. // В кн.: Священные писания Востока. Краткий путеводитель. / Перевод с англ. / – М., 2004. – С.75-88.

<sup>72</sup> Авесто: Тарихий-адабий ёдгорлик // Аскар Маҳкам таржимаси. – Т.:Шарқ, 2001.-384 б., 16 б. зарварак.

<sup>73</sup> Исҳоқов М. Зардушт машаққати ва ислом ҳақиқати // Гулистон, 2003. – №1, – Б.28

<sup>74</sup> Myuller F. Zarathustra's Versuchung. – WZKM, 3, 1889, 20-29. Л.А.Лелековдан. Авеста в современной науке. – М., 1992. – С.348.

“Маънавий ҳаётда, диний ва маънавий расм-русумларда маъбудаларнинг хос функциялари” деб номланган биринчи бандда ижобий хислатларга эга маъбуд ва маъбудалар тизими ўз диний ғоявий функциясига кўра ижтимоий асосларга эгаллиги таҳлил қилинди. Шу маънода зардуштийликни реал тарихий жараёнлардан айри ҳолда соф самовий нозил дин бўлган дейишдан тарихчи сифатида, дунёвий фан нуқтаи назаридан эҳтиёт бўлмоқ лозим деган фикрга келинди. Зеро, Авестанинг ижобий илоҳий зотлар тизими ўз даври учун жамиятнинг ҳаётий орзу умидлари ифодаси эди. Улар “табиат, жамият ва инсон (айрим олинган шахс) ўртасидаги муносабатларни маънавий, руҳий, ахлоқий мезонлар орқали уйғунлаштириш...”<sup>75</sup> га хизмат қилишга чорлангандир.

Диссертацияда “Гох”лардаги диний тизим маъбудлари турлича номлар билан келса-да, улар асосан, Аҳура Мазданинг сифатлари ва вазифадор малаклари ҳисобланиши таъкидланади. Жумладан, олти эманация ҳам Мазданинг намоён бўлиш шакллари деб деб тушунилади<sup>76</sup>. Айни шу хусусият Зардуштнинг яқка худолик ғояси “Гох”ларда амал қилганига далилдир. Чунки Зардушт ўз даъватларида “Яшт”лардаги язатлар тизимини деярли тилга олмайди. Маълумки, Зардушт ҳайвонларни сон-саноксиз миқдорда эҳсон учун сўйиб исроф қилинишига кескин қарши бўлган. Яштларда баён этилган эҳсон келтириш, қурбонлик қилиб маъбудаларга “маъкул бўлиш” манзаралари бунга хилоф равишда зардуштийликдан аввалги “жоҳилия” даври талабларига мос бўлишига қарамай Авестадан ўрин олган. Бу ҳол Авеста китоби таркибида турли давр матнлари тўпланганини, бу диннинг илдизлари жуда қадимийлиги ҳақидаги фикрларни яна бир бор тасдиқлайди.

Бобнинг иккинчи банди “Маъбудалар Зам ва Арштод ҳамда эманация Спента Армаитийлар ўртасидаги вазифадошликнинг сабаблари ва маъно-моҳияти” деб номланади. Унда диний тизимдан муносиб жой олган маъбудалар ва уларга юклатилган вазифалар ҳақида фикр юритилади<sup>77</sup>.

Ушбу икки маъбуда ва бир эманация Аҳура Мазда яратган она маъбудалардир. Улар имонли, ахуравий фазилатлар ҳимоячисидирлар. Айниқса, Спента Армаитий бу қаторда икки қатлам вазифалар эгаси ҳисобланади. Аммо у Аҳура Мазданинг руҳий оламида унинг қизи, энг яқин дўсти, моддий олам маънавиятида одамлар учун сабр-қаноат, поклик ва ифбат рамзи ҳисобланади. Шу билан бирга Спента Армаитий моддий оламга нисбатан Она замин ҳомийси деб улуғланади.

Қиёсий таҳлил натижасида Спента Армаитий, Зам (Замйад) ва Арштод илоҳаларининг вазифаларида умумий хусусиятлар аниқланди. Аввало, Зам маъбудаси зардуштийлик қарор топмасдан аввал мустақил вазифада бўлган ва ер ҳамда ер ости дунёсига ҳукмдорлик қилган. Бироқ бу функция

<sup>75</sup> Исҳоқов М. Зардушт машаққати ва ислом ҳақиқати // Гулистон, 2003. – №1, – Б.28. Авеста: Видевдот китоби. / М.Исҳоқов таржимаси. – Т.: ТДШИ нашриёт-босмаҳона бўлими, 2007. – 96 б.

<sup>76</sup> Авесто. Тарихий адабий ёдгорлик. / Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарк, 2001. – Б.5.

<sup>77</sup> Уразова Р.Т. “Авеста”да фаришта Спента Армаитий. Марказий Осиё тарихи: Манбашунослик ва тарихнавислик изланишлари. Республика илмий-назарий конференцияси. – Тошкент, 2010. – Б.134-137.

зардуштийликдаги “Ер муқаддаслиги” қоидасига зид келади. Сўнгра Зам ер ҳомийси сифатида Спента Армаитий билан яқинлаштирилган. Ниҳоят, “Видевдот”да Замйад (Зам) билан Спента Армаитий “замин”, яъни Ер дея “бирлаштириб” қўйилган. Демак, Зам (Замйад) ва Спента Армаитий маъбудалари - бири эманациялардан, иккинчиси маъбудалардан (Кенжа Авеста) бири сифатида илоҳий поғоналарнинг икки зинасида турган ҳолда ўзаро яқин хусусиятларга эгадирлар, деган хулосага келинди.

Мазкур бобнинг учинчи банди “*Ардви Сура Анаҳита ва Аши алқовларидаги параллел сюжетлар ва уларнинг генетик асослари*” деб номланган. Унда “Марказий Осиё халқлари исломдан олдинги маданиятининг табиатдан оқилона, самарали фойдаланиш анъаналарини ўрганиш ва оммалаштириш зарурлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Одамларни дарёларнинг мусаффолиги ва тупроқ унумдорлиги ҳақида ғамхўрлик қилишга даъват этган зардуштийлик айнан бизнинг заминимизда вужудга келганлиги тасодифий эмас”<sup>78</sup> лиги ҳақида фикр юритилган. Зардуштийлик расман қарор топмасдан аввалги ўтмишга хос диний қарашларнинг асотирий босқичига мансуб ибтидоий маъбудалардан бири Ардви Сура табиатан аёл маъбуда саналиб, унинг инсон зотини муҳофаза қилишдаги вазифалари кўп қиррали бўлган. Аввало, Ардви Сура қадимий Туроннинг ҳаёт манбаи Амударёнинг илоҳий ҳомийси сифатида намоён бўлади. Шунга кўра Ардви Сурани зардуштийликнинг табиат культлари қаторига қўйиш, уни натурфилософик нуқтаи назардан баҳолаш ҳам фанда маълум. В.А.Лившиц Ардви Сура дастлаб қадимий даврларда ҳайкал сифатида тасвирланган ва маросимларда жойдан-жойга аравада олиб юрилган, деган фикрни баён этган<sup>79</sup>. Ардви Сура (Обон) Яштда бу маъбуданинг сифатлари унга тегишли соҳаларни ҳимоя қилиш вазифалари тизимига айланади. Булар: эр пуштининг озиғи, эркак белига мадор, иккиқатга нажоткор. Ардви сувларига дунёнинг барча сувлари тенг келолмайди. Ардви ҳомила учун аёл қорнини дунё каби кенг қилади, хомиладорнинг кўз ёришини осон этади, унинг кўксини сутга тўлдиради ва ҳоказо. Ардви Суранинг сифатдоши Анаҳита (Анаит) номи вақт ўтиб, ўзини арман мифологиясида намоён қилганлиги ва қадимги юнон ёдгорликларида Кичик Осиёда сиғинилган маъбудлар орасида Анаҳита (Анатис) номи ҳам учрайди. Қиёсий таҳлиллар натижасида бу маъбуда Ардви Сура Анаҳитанинг ўзлаштирилган образи бўлса керак<sup>80</sup> деган фикрга келинди.

Бундан ташқари, ушбу маъбуда қадимги ҳинд мифологиясидаги Сарасвати маъбудасига ҳам қиёсланди<sup>81</sup>. Р.Х.Сулаймонов Ардви Сурани Ганг дарёсининг ҳомий илоҳаси Сарасвати билан вазифадошлик жиҳатидан қиёс қилиниб, улар ўртасидаги умумий хусусиятларни кўрсатиб берган<sup>82</sup>.

<sup>78</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.:Ўзбекистон, 1998. – Б.531.

<sup>79</sup> Лившиц В.А. Предисловие в книге “Авеста. Избранные гимны” / Перевод И.М.Стеблин-Каменского / – Душанбе, 1990. – С. 3-4.

<sup>80</sup> Энциклопедический словарь. Женщина в мифах и легендах. – Т., 1992. – С. 36-37.

<sup>81</sup> Рапопорт Ю.А. Из истории религии древнего Хорезма. – М.:Наука, 1971. – 126 с. Қаранг: “Авеста: Видевдот” китоби / М.Исҳоқов таржимаси. – Т.:ТДШИ нашриёт-босмаҳона бўлими, 2007. – Б. 67-74.

<sup>82</sup> Сулаймонов Р. Х. Древний Нахшаб. – Т.: Фан, 2000. – С. 274-285.

